

АЖАББ — (арабча — бичилган) мафойилун (V---) асл рукнига «жабб» (бичиш) зихофи таъсири окибатида юзага келган «фаал» (парадигмаси: V —) тармок рукнининг номи.

Масалан:

Хар лах-за / и-шим о-ху / фи-го най-ла- / дило, — — V / V--V / V — — V / V —

О-хир ме- / ни рас-во-йи / жа-хо най-ла- / дило. --V / V--V / V — — V / V —

Огахий рубоийсидан олинган бу байт мисраларининг охирги рукнлари «фаал», яъни «мафойилун»нинг «ажабб» тармогидир. Шу туфайли байт вазни хазажи мусаммани ахраби макфуфи ажабб деб юритилади.